
“Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг туман босқичи ўтказилди

Учкўприкда “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг туман босқичи ўтказилди.

Танлов бугунги кунда фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган маҳаллалардаги ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилланди.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси лавозимида меҳнат фаолиятини олиб бораётган, иш тажрибаси ва жамоа ўртасида обрўга эга, маҳаллада соғлом муҳитни яратса олган, кейинги бир йил давомида соҳа йўналишида муайян натижаларга эришган, ўз касбининг фидойиси, етакчи, фаол, ташаббускор ва ижодкор бўлган ёшлар иштирок этди.

Хар бир иштирокчи ўзи фаолият юритаётган маҳалласида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган концепция лойиҳасини тайёрлади ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига тақдим қилди.

10 йўналиш бўйича маҳалласида намунали иш ташкил қилган ёшлар етакчиларининг ютуқлари эътироф этилиб, улар танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишиди.

2023-11-15 15:22:14